

---

## Ғалла - 2023" ўрим-йиғим мавсуми

Бугун туманимизнинг "Янги Хаёт" МФЙ ҳудудида жойлашган "Оқ олтин" тантаналар саройида ғалла ўрим-йиғим мавсумига бағишланган тадбир ўтказилди.

Туман ҳоким Расулжон Жўраев ғалла ўримига бел боғлаб камарбаста бўлиб турган комбайн операторлари ва бошоқли дон ташиш техникаси хайдовчиларини "Ғалла-2023" мавсуми бошланганлиги билан табриклаб, бир пиёла чой устида хайдовчиларга пул маблағлари ва эсдалик совғаларини топширди.

Тадбирда сектор раҳбарлари, туман ҳокими ўринбосарлари, мутасадди ташкилот раҳбарлари ва нуронийлар ҳосилга барака тилаб, дуо қилдилар.

2023-06-08 10:14:27